

**МИНТАҚАДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ
ЗАРУРАТИ**

**НЕОБХОДИМОСТЬ ПОДДЕРЖКИ МАЛОГО БИЗНЕСА И
ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕГИОНЕ**

**THE NEED TO SUPPORT SMALL BUSINESSES AND PRIVATE
ENTREPRENEURSHIP IN THE REGION**

Назиров Жуманазар Олимжонович

Қарши давлат техника университети 1-курс магистранти

E-mail: jumanazarirov140@gmail.com

Назиров Джуманазар Олимджонович

*магистрант 1 курса Кариинского государственного технического
университета*

E-mail: jumanazarirov140@gmail.com

Nazirov Dzhumanazar Olimdzhonovich

1st year master's student of Karshi State Technical University

E-mail: jumanazarirov140@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича минтақада яратилган имкониятлар, асосий йўналишлар ҳақида фикр юритилган. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда, даромадларни оширишдаги аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни амалда ривожлантириш омиллари бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. кичик бизнес, тадбиркорлик, қўллаб-қувватлаш шакллари, молиявий ресурслар, кредит кўмаклари, давлат, хусусий сектор, рақамлаштириш, инновациялар, бандлик, даромад.

Аннотация. В статье рассматриваются возможности и основные направления, созданные в регионе для поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства. Подробная информация о его значении в обеспечении занятости населения и повышении доходов. Даны также рекомендации по факторам практического развития малого бизнеса и частного предпринимательства.

Ключевые слова. малый бизнес, предпринимательство, формы поддержки, финансовые ресурсы, кредитная поддержка, государство, частный сектор, цифровизация, инновации, занятость, доход.

Annotation. The article examines the opportunities and main directions created in the region to support small business and private entrepreneurship. Detailed information on its importance in providing employment and increasing income. Recommendations on factors of practical development of small business and private entrepreneurship are also given.

Key words. small business, entrepreneurship, forms of support, financial resources, credit support, state, private sector, digitalization, innovation, employment, income.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсида иқтисодий ривожланишнинг асосий двигатели сифатида эътироф этилмоқда. Мазкур соҳа иқтисодиётнинг энг ҳаракатчан, мослашувчан ва инновацион қобилияти юқори бўлган тармоғидир. Айниқса, минтақавий ривожланиш масалаларида кичик бизнеснинг роли бекиёсдир - бу нафақат бандликни ошириш, балки маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш воситаси ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эътироф этилганидек, “Тадбиркорлик - бу жамият тараққиётининг асоси, халқ фаровонлиги кафолатидир”¹²⁵. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнесни рағбатлантириш, уни минтақаларда ривожлантириш, қонунчиликни

¹²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2023 йил 20 декабрь.

либераллаштириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Ҳозирги глобаллашув ва иқтисодий рақобат кучайиб бораётган шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, минтақавий ривожланишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Улар янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби йўналишларда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Республикамызда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин эгаллаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий тараққиётга эришишнинг янги сифат босқичига ўтиши юзасидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш бўйича белгиланган устувор йўналишларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда иқтисодиётимизнинг етакчи локомотиви, деб эътироф этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўсиш тенденциялари, ушбу субъектларда бандлик даражасининг ошиши, иқтисодиёт тармоқларидаги улушининг кўпайганлиги ҳамда мамлакатда экспорт ва импортнинг умумий улушидаги ҳиссасининг ошиб бораётганлиги ижобий ўзгаришлардан ҳисобланади. Албатта, ушбу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, *тўсиқ бўлаётган ва ривожланишга халақит* бераётган муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, аниқ стратегик қарорлар қабул қилиш зарурият талаб қилмоқда. Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, мазкур йўналишда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини

ривожлантириш тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда соҳани давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар мажмуасини тубдан такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва келгусида рағбатлантириш, аҳоли турмуш тарзи ва даромадларининг ортишига ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни тобора ортаётганлиги сабаб бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар сони билан кичик корхоналар ва микрофирмалардаги бандлар сонини таққослайдиган бўлсак, улар ўртасидаги боғлиқликни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлашда Олий Мажлиснинг иккала палатаси ҳам таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиши зарур. Тадбиркорлик соҳасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини жиноят тоифасидан чиқариш сиёсатини изчил давом эттиришимиз лозим.”¹²⁶ Демак, ушбу фикрлардан келиб чикан ҳолда сохта тадбиркорлик, рақобатчи обрўсини тушириш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бекор қилинади. Шунингдек, божхона қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахсларни, жиноий жавобгарликдан озод қилиш кераклигининг ҳам ушбу маърузада таъкидланганлиги тадбиркорлар учун алоҳида қўллаб-қувватловчи эътибор эканлигини англатади.

Шунингдек, Мурожаатномада тадбиркорларни янада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишдаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Ушбу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микро-молия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилиши айтилди. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўрадиган бўлсак, бундай чоралар

¹²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интилади.

Таъкидлаш лозимки, АҚШда кичик бизнес ялпи ички маҳсулотнинг катта қисмини беради, янги иш ўринларининг ярмидан кўпини яратади, асосийси, йилига 350-400 млрд. долларлик маҳсулотни экспорт қилади. Жаҳон саноатининг бошқа бир маркази-Германияда бу соҳада меҳнатга яроқли аҳолининг 70 фоиздан ортиғи банд. Шу билан бирга турли фаолиятнинг 90 дан ортиқ хилини қамраб олган хунармандчилик кичик корхоналарининг катта миқдори иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб борилаётган ислохотлар ҳам айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, уларга қулай муҳит яратишга қаратилган. Бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари ва молиявий кўмак механизмлари орқали ҳудудий тадбиркорлик ривожлантирилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик орқали хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида Президентимизнинг жонкуярлик асосидаги қуйидаги фикрларига тўхталишимиз мумкин. “Шу билан бирга, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли ишлаб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим. Ушбу мақсадлар учун 700 миллион доллар жалб қилинади. Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак.”¹²⁷

Минтақавий даражада кичик бизнесни ривожлантириш учун энг аввало тадбиркорлар фаолияти учун қулай инфратузилма ва ҳуқуқий муҳит яратилиши лозим. Сўнгги йилларда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Наманган каби минтақаларда “Ҳар бир тадбиркорга – ер”, “Ёшлар тадбиркорлиги” каби дастурлар орқали минглаб янги лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, “Ягона дарча” тамойили асосида лицензия ва рухсатнома олиш тартиби соддалаштирилгани, электрон платформалар орқали

¹²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

ҳисобот топшириш имконияти яратилгани тадбиркорлар учун ортиқча бюрократик тўсиқларни камайтирмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари, грантлар ва инвестицияларни жалб этиш орқали молиявий ёрдам кўрсатилмоқда. 2024-йил якунларига кўра, Ўзбекистон бўйича кичик бизнес субъектларига 53 триллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилган. Бундан ташқари, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” орқали кафиллик ва суғурта хизматлари ҳам йўлга қўйилган.

Қишлоқ жойларда фаолият юритаётган тадбиркорларга “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури орқали ускуналар хариди ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун паст фоизли кредитлар ажратилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда рақамли технологиялар тадбиркорликни янги босқичга олиб чиқмоқда. Электрон тижорат, онлайн маркетинг, булутли хизматлар – буларнинг барчаси кичик бизнес учун имкониятлар ойнасини кенгайтирмоқда. Минтақаларда “ИТ Парк” филиаллари, стартап акселераторлари очилмоқда. Публис-Привате Партнершип (ППП) асосида давлат билан хусусий сектор ўртасида шерикчиликни мустаҳкамлаш орқали инфратузилма лойиҳалари, сервис хизматлари ва ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорлик кучаймоқда. Мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, логистика соҳаларида бу модель муваффақиятли йўлга қўйилган.

Хулоса ўрнида иқтисодийни модернизациялаш шароитида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш - бу тузилмаларнинг моддий-техник асосини барпо этиш, уларга кўмаклашиш, ташқи иқтисодий фаолиятини юксалтириш, ижтимоий-руҳий жиҳатдан кафолатлаш, суғурта тизими, зарур ахборотлар билан таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятини юксалтириш каби омиллар орқали амалга оширилиши лозим. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун тизимли ёндашув, ҳуқуқий база, молиявий кўмак, рақамли технологиялар ва инсон капиталига сармоя киритиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон бу борада сезиларли ютуқларга эришаётган бўлса-да, айрим ҳудудларда ҳали ҳам бозор инфраструктураси ва мутахассислар етишмаслиги каби муаммолар мавжудлиги сезилмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида қуйидаги таклифларни тавсия этиш мақсадга мувофиқдир:

- минтакавий инкубация марказлари ва бизнес-акселераторлар сонини ошириш;
- тадбиркорликка ихтисослашган ўқув дастурларини кенгроқ жорий этиш;
- хорижий инвесторлар учун солиқ ва божхона имтиёзларини кўпайтириш;
- аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини алоҳида дастурлар орқали рағбатлантириш.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда таклифлар амалга оширилса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга янада имкониятлар кенгаяди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2023 йил 20 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. (2022 йил 3 июнь).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12-февралдаги “2024-2026 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури” тўғрисидаги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги статистик ҳисоботлари – www.mep.uz
6. www.stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi rasmiy sayti.
7. www.lex.uz – Normativ-huquqiy hujjatlar ma’lumotlari milliy bazasi.
8. Jahon banki hisobotlari: “Doing Business 2023 – Uzbekistan Country Profile”.